O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 1 август, № 151 (4814) Шанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

## ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

*Чўлпонота, 31 июль.*
*ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг (ОДКБ) норасмий саммитида иштирок этиш учун бугун Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрига келди.**

Бу ерда ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Музокарада ОДКБ фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасига ҳам эътибор қаратдилар.

**(ЎзА).**



***Кеча Олий Мажлис Сенатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятидаги ўрнига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

## МАҲАЛЛА ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Парламентимиз юқори палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" республика хайрия жамғармаси ва унинг маҳаллий бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, олимлар иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, Истиқлол йилларида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган ислоҳотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, маҳаллаларга берилаётган эътибор ва унинг халқимиз турмушида муҳим аҳамият касб этиши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боисдан мамлакатимизда унинг нуфузини, мақомини янги босқичга кўтаришга қаратилган тадбирлар кенг кўламда бажарилаётир. Хусусан, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар маҳаллаларнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим омил бўлаётир.

Тадбирда сўз олганлар аҳолини сиёсий жараёнларга кенг жалб этишда, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада оширишда, оилалар фаровонлиги ва барқарорлигига эришиш, ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллалар фаолияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Бу эса, уларнинг давлат ҳокимияти идоралари билан ҳамкорликда иш юритишини тақозо этади. Чунки жамиятни бошқариш, масалаларни ҳал этишда давлат, нодавлат ва ўзини ўзи бошқариш институтларининг ҳамжиҳатликда фаолият юритиши фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан биридир.

Ҳозирги пайтда амалдаги қонунлар берган имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш, маҳалла фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари)нинг ҳуқуқий билимларини ошириш лозимлиги йиғин қатнашчилари томонидан алоҳида таъкидланиб, тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# БИЛИМ ВА ТАФАККУР СИНОВИ

***Бугун мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига қабул имтиҳонлари бўлиб ўтади.***

***Мактаб, лицей ёки коллежни битириб, институт, университет талабаси бўлиш орзусида тест синовларига ошиққан йигит-қизлар қалбида ҳаяжонли дамлар кечмоқда.***

**Абитуриент — 2009**

Ҳа, билимли, иқтидорли, ақлу салоҳияти юксак, зеҳни ўткир ёшларимиз ишончу ифтихоримиздир. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ана шундай ёшларни камол топтиришга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Муҳими, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу йўлдаги хайрли ишлар айни пайтда ўз самарасини бераяпти. Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, муҳташам ва замонавий қиёфага эга мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига кўзингиз тушади. Уларда яратилган шарт-шароит билан танишиб, ҳайратимиз ошади, ғурурланамиз. Зотан, халқаро миқёсда ўтказилаётган турли

(Давоми 2-бетда).



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

**Абдулазиз бин ҲОРУН:**

## «ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА АСРИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШДИ»

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулазиз бин ҲОРУН билан суҳбатлашди.***




**— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Малайзия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Мамлакатларимиз ўртасида 1992 йили дипломатия муносабатлари ўрнатилган, 1993 йилда эса Тошкентда Малайзия элчихонаси очилган. Мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Халқларимизни ўхшаш маданият, урф-одат ва қадриятлар яқинлаштириб туради. Истиқлол байрами санаси ҳам бир-бирига яқин — 31 августда Малайзияда мустақиллик куни нишонланади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро алоқаларнинг юксак даражага кўтарилишида икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил октябрь ойида Малайзияга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги поғонага олиб чиқди. 2008 йилнинг ноябрь ойида Малайзиянинг ўша пайтдаги Бош вазири Абдулла бин Ҳожи Аҳмад Бадавийнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ўзаро муносабатлар ривожига улкан ҳисса қўшди. Ушбу ташрифлар асносида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этишга хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар имзоланди. Бундан ташқари, мамлакатларимиз ўртасида турли вазирлик ва идоралар, илмий тадқиқот марказлари вакилларининг мунтазам ташрифлари йўлга қўйилган.

**Биз ва жаҳон**

Сайёҳлик — Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигининг истиқболли соҳаларидандир. Бу борада икки мамлакат ҳам улкан салоҳиятга эга. Маданий-маънавий яқинлик ва ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Ўзбекистондан Малайзияга, Малайзиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кўпайтиришда муҳим омил саналади.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонамиз.

**— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Ўзбекистон Малайзия каби истиқлолга қадар жуда кўп синовларни бошдан кечирган давлатдир. Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, оқилона сиёсат туфайли юксак муваффақиятларни қўлга киритди.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни изчил ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритиш ва аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар юқори самаралар бераётир. Юртингиз иқтисодиёти муттасил ривожланиб, халқнинг турмуш даражаси узлуксиз юксалмоқда.

Ўзбекистон ҳеч қандай иқтисодий ва сиёсий бўҳронларга учрамай, ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётир.

**— Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.**

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали санъат оламидаги ўзига хос, унутилмас ва муҳим тадбирлардан. Фестивални ўтказиш учун Регистон майдони бежиз танланмаган. Ушбу муаззам мажмуадаги бетакрор тарихий обидалар ўзининг салобати ва жозибаси билан дунё аҳлини мафтун этаётир.

Фестиваль давомида кўплаб мамлакатлардан келган санъат арбоблари Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъатидан хабардор бўлиш ҳамда мамлакатингизнинг ривожланиш босқичлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлмоқда. «Шарқ тароналари» турли халқларнинг санъатидан баҳраманд

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***САМАРҚАНД шаҳрида «Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар» мавзуида минтақавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

### Биргаликда курашмоқ лозим

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этди.

Одам савдоси бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб турган муаммолар сирасига киради. Бу машъум иллат, афсуски, бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

(Давоми 2-бетда).

***ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз туманидаги "OQSAROY TEXTILE" қўшма корхонаси Миллий банк томонидан берилган икки миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига модернизация қилингач, ишлаб чиқариш қуввати янада ошди.***

### Ишлаб чиқариш қуввати ошди

Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётганлар сафи 600 кишига етди. Муҳими, шу йилнинг биринчи ярмида корхонада 1950 тонна калава ип ва 107 тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 4 миллион 410 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОН. Олтинкўл туманидаги Далварзин маҳалласида фаолият кўрсатаётган "Беллона миллениум" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи сифатли гипсокартон ишлаб чиқарилмоқда.***

### Сифати хорижликларга ҳам маъқул

Жорий йилдан эътиборан корхона маҳсулотлари экспорт қилина бошлади. Аниқроқ айтганда, йилнинг ўтган даврида 180 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижлик мижозларга етказиб берилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



**Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг намойиши**

**2009** йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда қурилиш ишларининг ҳажми **32,5** фоизга ўсди.

**Халқимизнинг ана шу бунёдкорлик ишлари натижасида республикамизнинг шаҳар ва туманлари, қишлоқларида кўплаб янги ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди, ижтимоий иншоотлар реконструкция қилиниб, таъмирдан чиқарилди.**

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қонун устуворлигига катта эътибор қаратилиб, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланган ҳамда азалий қадриятларимизга хос хусусиятлар акс эттирилган миллий қонунчиликка асос солинди. Хусусан, Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганининг яққол ифодасидир.***

# ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида қабул қилинган мазкур Фармон, давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, у дунёнинг қатор ривожланган давлатлари қатъий амал қиладиган демократик қадриятларга мувофиқ келадиган меъёрларни ўзида акс эттириши билан ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Маълумки, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида ҳисобланиши Конституциямизнинг 13-моддасида белгилаб қўйилган. Демак, яшаш ҳуқуқи муқаддас бўлиб, мутлақ ва дахлсиздир. Шу нуқтаи назардан, 1989 йилнинг 15 декабрида БМТ Бош ассамблеясининг 44-сессиясида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомаси қабул қилинди. Шундай қилиб, инсоннинг яшаш ҳуқуқини лозим даражада ҳимоя қилиш масаласи халқаро даражада ўз меъёрий ечимини топди. Бу, ўз навбатида, инсон ҳаётига эътибор, у ёки бу ижтимоий масалалар, шу жумладан, жиноят ва жазо масалаларини ҳал этишда шахс ҳаётининг устуворлигини кўрсатди. Демак, давлатимиз бу борада энг мақбул ва инсонпарварлик тамойилларига тўла риоя этиш йўлини танлади.

Жамиятдаги демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқ амалиётининг таҳлили ўлим жазосини жиноий жазо тури сифатида қўллаш самарасиз эканлигини кўрсатди. Амалиётга кўра, мўътадил ишлаб турган суд тизимига эга бўлган мамлакатларда ўлим жазосидан қўрқиш жиноятчиларнинг фақатгина оз қисмини жиноят содир этишдан тўхтатар экан. Бунга инсон руҳиятидаги айрим ҳолатлар сабаб бўлиб, у муқаррар ўлим тўғрисидаги ўй билан ҳар доим яшаши мумкин эмас. Аксарият жиноят ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, оғир жиноятни содир этиш чоғида улар жазо ҳақида ўйламайдилар ёки жиноий жавобгарликдан, шу жумладан, ўлим жазосидан қутулиб қолишга умид қиладилар. Ўз навбатида, ўлим жазоси қўлланилмайдиган мамлакатларда эса одам ўлдириш жинояти мазкур жазо қўлланилиши назарда тутилган давлатларга нисбатан бир неча баробар камдир.

Умуман олганда, жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг воситаси сифатида ўлим жазосининг борлиги ёки йўқлиги жиноятчилик даражасига жиддий таъсир этмайди. Аксинча, унинг мавжудлиги қонунчиликнинг Конституция ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлигини таъминлашни шубҳа остига қўяди. Шунинг учун ҳам ўлим жазосини бекор қилиш йўлини танлаган давлат ўзининг сиёсий-ҳуқуқий устуворликлари ва умуминсонийлик ҳамда одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Шу ўринда ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган асослар орасида суд хатолари билан боғлиқ жиддий муаммоларни қайд этиш лозим. Масалан, ўлим жазосини жиноий жазонинг бири сифатида сақлаш айбдор бўлмаган одамларни жазолаш хавфини кел-

### Фармон ва ижро

тириб чиқаради. Зеро, ҳукм, у назорат тартибида қайта кўрилгунга қадар ижро этиб бўлиниши мумкин. Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида Президент Фармонининг қабул қилингани эса давлатимизнинг жиноий-ҳуқуқий соҳада энг инсонпарвар ва одил сиёсат олиб бораётганлигини яна бир карра намоён қилди.

Фармонга кўра, Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси жиноий жазо тури сифатида бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини жорий этиш вазифаси қўйилди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳамда жиноий қонунчилик тизимини изчил ва босқичма-босқич либераллаштириш натижасидир. Мазкур Фармоннинг амалга киритилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида назарда тутилган ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган узвий ҳуқуқи, Жиноят кодексида назарда тутилган инсонпарварлик тамойили, шунингдек, содир қилган жинояти учун судланган шахсни ахлоқан тузатиш мақсади билан боғлиқ. Жиноий жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқарилиши халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига ҳам жавоб беради.

Шу боис 2007 йил 11 июлда давлатимиз раҳбари томонидан «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди.

Мазкур Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг жиноий жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, у умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Яъни, Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизимидаги ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди.

Жиноят кодексининг 50-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишнинг тушунчаси ва унинг қўлланиш чегарасини белгиловчи меъёр назарда тутилди ҳамда унинг муддати йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддат деб белгилаб қўйилди. Таъкидлаш жоизки, бу янги жазо тури эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш жазосининг алоҳида муддати бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, Қонунда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155-моддасининг учинчи қисми) жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши белгиланди. Бундан ташқари, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан ва тамом бўлмаган жиноятлар учун тайинланиши мумкин эмаслиги назарда тутилди.

Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳам баъзи ўзгартишлар киритилди. Жумладан, Кодекснинг 51-моддаси 4-бандига мувофиқ, ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштироки шарт эди. Эндиликда бу қоида ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар ҳимоячи билан таъминланиши белгиланди.

Қайд этиш лозимки, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ жараён замирида улкан инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойили мужассам. Ўтган вақт ичида эса ана шу меъёрдан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, судлар томонидан Қонунда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ҳозирда мазкур Қонун тўлиқ ҳажмда ишламоқда.

**М**ухтасар айтганда, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, энг аввало, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини тўла-тўкис таъминлайди ва кафолатлайди. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари инсонпарварлик тамойилининг миллий қонунчиликка асосланган яна бир муҳим кўринишидир.

**Фахриддин РАЖАБОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.**

# БИРГАЛИКДА КУРАШМОҚ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўпгина юртдошларимиз мўмай даромад илинжида ҳар қандай тубанликдан қайтмайдиган қабиҳ кимсаларнинг макру ҳийласига алданиб, одам савдоси қурбонига айланаётгани барчамизни сергак ва эҳтиёткор бўлишга ундайди.

Мамлакатимизда бу машъум жиноятнинг олдини олиш, ундан жабр кўрган юртдошларимизга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Юртбошимиз ташаббуси билан 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар юртимизда мазкур муҳим ҳужжатлар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар, Республика ҳамда ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолияти хусусида сўз юритиб, уларнинг ишидаги муаммо ва камчиликларга ҳам тўхталиб ўтдилар.

Фуқароларнинг, асосан, ноқонуний миграция туфайли одам савдоси қурбонига айланиб қолаётгани қайд этилиб, ушбу йўналишда мутасадди идоралар масъулиятини ошириш, аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Анжуманда одам савдосидан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, ахборот ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Анжуманда Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БИЛИМ ВА ТАФАККУР СИНОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

танловларда юксак ўринларни банд этиб, дунё аҳлини лол қолдираётган ёшларимиз айни шу таълим-тарбия масканларида таҳсил олмоқда, иқтидору қобилиятларини оширмоқдалар.

Шу маънода айтиш мумкинки, бугун бўлиб ўтадиган олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари чинакамига билим ва тафаккур кўригидир. Зотан, тест синовлари энг билимдон, энг салоҳиятли ёшларни саралаб беради.

— Жорий йилда олий ўқув юртларига 337 минг 115 нафар абитуриент ҳужжат топширди, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов. — Олий таълимнинг бакалавриат йўналиши учун 57 минг 305 ўрин ажратилган. Қолаверса, абитуриентларнинг 19 минг 755 нафари давлат гранти, 37 минг 550 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, бакалавриат йўналишининг махсус сиртқи бўлимларига 115 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Бундай махсус сиртқи бўлимлар Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот бўлими ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган.

Эътиборлиси, тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртлари талабаси бўлиш иштиёқидаги ёшлар сони йил сайин ошиб бораяпти. Масалан, бу йил, айниқса, Қарши, Андижон, Наманган ва Термиз давлат университетлари ҳамда Андижон тиббиёт институти, шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиалига абитуриентлардан нисбатан кўп аризалар тушган. Ушбу таълим муассасаларида бир ўрин учун 9,3-11,9 нафардан талабгор тўғри келмоқда.

Рақамларга эътибор берайлик, 2005 йили бир ўрин учун 4,7 ўқувчи ўз билим ва салоҳиятини синовдан ўтказган бўлса, 2006 йили бу рақам 5,4 кишига етди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич бир ўринга 5,88 номзодни ташкил этди.

Яна бир маълумот: бу йил олий ўқув юртлари ўртасида энг кўп абитуриент қабул қилинган даргоҳ — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидир. Мазкур олий таълим муассасасига 16 минг 650 нафар йигит-қиз ҳужжат топширди. Энг катта танлов, одатдагидек, педагогика ва тиббиёт йўналишларида бўлмоқда. Кейинги йилларда бу йўналишлар сирасига ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ҳам қўшилса, ажабмас.

Мамлакатимизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши муносабати билан тегишли давлат дастурлари қабул қилиниб, белгиланган амалий чора-тадбирлар бажарилмоқда. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилда Тошкент ирригация ва мелиорация институтида янгидан ташкил этилган "Фермер хўжаликларининг муҳандислик тизими" ҳамда "Ирригация ва мелиорация машиналари ва ускуналари" таълим йўналишларига абитуриентлар қабул қилинди.

Мазкур йилда ҳам ҳарбий қисмнинг тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар учун Ўзбекистон Республикасининг истисносиз барча олий таълим муассасаларида таълим йўналишлари бўйича тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизини (56,7) олиш имтиёзи сақланиб қолди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, 2009-2010 ўқув йилида ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танловдан етарли ўтиш баллини тўплай олмаган абитуриентлар педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техника фанлари йўналиши бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Бугунги масъулиятли дамда ўз олдига қатъий мақсад қўйган ёшларимизга адолат мезонлари асосида ташкил этилган ушбу синовлардан муваффақиятли ўтишини тилаб қоламиз.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўлиш баробарида, улар ўртасидаги дўстлик ришталарини ҳамда ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда. Шу боис мазкур фестиваль иштирокчилари сони йил сайин ошиб бораётир. Малайзиялик хонанда ва созандалар ҳам унда мунтазам иштирок этиб келмоқ-

## Абдулазиз бин ҲОРУН: «ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА АСРИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШДИ»

да. Жорий йилда ҳам уларнинг қатнашиши режалаштирилган.

**— Яқинда Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи кенг нишонланади...**

— Тошкент кўп синовларни бошдан кечирган бўлса-да, ўз кўрки ва салобатини йўқотмаган. Қадимда Тошкент Буюк Ипак йўлининг энг аҳамиятли бўғинларидан бири бўлган.

Ўзбекистон истиқлол йилларида асрларга тенг ўзгаришларга эришди. Қисқа фурсат ичида Тошкент замонавий ва янада кўркам шаҳарга айланди. Шаҳар аҳолисининг турмуш тарзи узлуксиз юксалмоқда. Пойтахтингизда транспорт коммуникациялари яхши ривожланган. Бу эса дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини бераётир. Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати натижасида Тошкент — Марказий Осиёдаги йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказга айланди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ўзининг меҳмондўст ва ширинсухан, сийрати ва сурати гўзал инсонлари билан донг таратган.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси халқини яқинлашиб келаётган Истиқлол байрами ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи билан чин дилдан муборакбод этаман. Эл-юртингиз омон, осмонингиз доимо мусаффо, мустақиллигингиз абадий бўлсин!

**ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.**

# ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАР ШАРОФАТИ



Андижон вилоятининг Марҳамат туманида фаолият кўрсатаётган "Марҳамат ип-йигирув" акциядорлик жамияти маҳсулотлари тобора харидоргир бўлиб бораяпти. Бунинг сабаби бор, албатта.

### Ислоҳот

Чунки корхона цехлари Германия, Бельгия, Хитой каби давлатлардан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланганлиги пахта толасидан юқори сифатли калава ип ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Натижада жорий йилда тайёрланадиган маҳсулотларнинг асосий қисми, яъни 80 фоизи экспорт қилиниши кутилаяпти.

Корхона йилига 2700 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирга қадар Россия ва Туркия давлатлари буюртмасига кўра, 450 тонна маҳсулот тайёрланди.

**СУРАТДА:** жамият йигирув цехи устаси Раъно Маннонова ва ишчи Мукаммал Қосимова.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг амалга оширилишига қаратилган қуйидаги мавзулардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— аҳолининг бандлигини яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

— қишлоқда кам таъминланган оилалардан бўлган ишсиз йигитлар ва қизларни ҳисобчи (бухгалтер), тикувчилик, қандолатчилик, компьютер саводхонлиги ва бошқа мутахассисликлар курсларида ўқитиш бўйича марказлар ташкил этиш;

— қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси тураржойларини ободонлаштириш;

— фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, қишлоқда шаклланаётган янгича мулкий муносабатлар, ўрта синф — мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатлари кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш.

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 5 млн. сўм.**

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 2009 йил 15 сентябрь соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича қуйидаги ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 форматда): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт:

— танловда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги ариза илова қилинган хат;

— шу аризанинг аноним шаклдаги, яъни ташкилот номи ва географик ҳудуди кўрсатилмаган ҳолдаги нусхаси;

— ташкилот ҳақидаги белгиланган шаклдаги маълумот (резюме);

— аризанинг (оддий ва аноним шаклида) электрон кўринишдаги CD дискдаги нусхаси.

Республиканинг турли ҳудудларидан танловда иштирок этувчилар ҳужжатларини электрон почта орқали grant-3-ngo@inbox.ru электрон манзилига юборишлари мумкин. Бунда ҳужжатлар ташкилот раҳбарининг электрон (сканер ёрдамидаги) имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловни ўтказиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижро этувчи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишга қаратилган қуйидаги мавзулардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга касбий таълим олиш ва ишга жойлашиш учун қулай шароитларни яратиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига, касаначиликка жалб этиш;

— аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш, хусусан, олис туманларда, қишлоқ жойларда уларнинг касбий таълимини яхшилаш.

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 7 млн. сўм.**

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан 2009 йил 15 сентябрь соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича қуйидаги ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 форматда): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт:

— танловда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги ариза илова қилинган хат;

— шу аризанинг аноним шаклдаги, яъни ташкилот номи ва географик ҳудуди кўрсатилмаган ҳолдаги нусхаси;

— ташкилот ҳақидаги белгиланган шаклдаги маълумот (резюме);

— аризанинг (оддий ва аноним шаклида) электрон кўринишдаги CD дискдаги нусхаси.

Республиканинг турли ҳудудларидан танловда иштирок этувчилар ҳужжатларини электрон почта орқали grant-3-ngo@inbox.ru электрон манзилига юборишлари мумкин. Бунда ҳужжатлар ташкилот раҳбарининг электрон (сканер ёрдамидаги) имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловни ўтказиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижро этувчи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).

